

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**ДЖАББАРОВА МИЯССАР БАБАКУЛОВНА**

**РЕВМАТОИДЛИ АРТРИТДА ОШҚОЗОН ШИКАСТЛАНИШИНИНГ  
КЛИНИК-МОРФОЛОГИК КЎРИНИШЛАРИ ВА ХАВФ  
ОМИЛЛАРИНИНГ ЎРНИ**

**14.00.05– Ички касалликлар**

**14.00.02 – Морфология**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 612.325:616.33]:616.72-002.77-092.9-036

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Джаббарова Мияссар Бабакуловна**

Ревматоидли артритда ошқозон шикастланишининг клиник- морфологик  
кўринишлари ва хавф омилларининг ўрни.....5

**Джаббарова Мияссар Бабакуловна**

Клинико-морфологические проявления и роль факторов риска повреждения  
желудка при ревматоидном артрите.....19

**Jabbarova Miyassar Babakulovna**

Clinical and morphological manifestations and the role of stomach damage risk  
factors in RA.....35

**Эълон қилинган ишлар руйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....39

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**ДЖАББАРОВА МИЯССАР БАБАКУЛОВНА**

**РЕВМАТОИДЛИ АРТРИТДА ОШҚОЗОН ШИКАСТЛАНИШИНИНГ  
КЛИНИК-МОРФОЛОГИК КЎРИНИШЛАРИ ВА ХАВФ  
ОМИЛЛАРИНИНГ ЎРНИ**

**14.00.05– Ички касалликлар**

**14.00.02 – Морфология**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Tib4059 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Саидова Мухаббат Мухидиновна**

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

**Тешаев Шухрат Жумаевич**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Жарилкасинова Гаухар Жанузаковна**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Орипов Фирдавс Суратович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Кубан давлат тиббиёт университети, Россия Федерацияси

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/.30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_куни тарқатилди. (2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_рақамли реестр баённомаси).

**Д.Т. Ходжиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Ш. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.А. Ихтиярова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2023 йилдаги маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 60% гастритдан азият чекади. Ошқозон шиллиқ қаватидаги морфологик ўзгаришларнинг частотаси катта ёшли аҳоли ўртасида кенг тарқалган бўлиб, бу 80% ни ва вояга етган аҳолининг эса тахминан 40% ини ташкил этади. Беморларнинг атиги 5% шикоятлар билан шифокорларга мурожаат қиладилар<sup>1</sup>. Ревматоидли артрит (РА) прогрессияланувчи, узоқ муддатли даволанишни талаб қиладиган ва ошқозон-ичак трактида дори воситаларига боғлиқ патологияларни келтириб чиқарадиган сурункали касалликлар қаторига киради<sup>2</sup>. Йил давомида ностероид яллиғланишга қарши воситалар (НЯҚВ)ни қабул қилиб юрганларнинг сони 300 млн.дан ортиқдир, уларнинг атиги 2/3 қисми врач назорати остида дори воситаларини қабул қиладилар ва қолганлари эса назоратсиз қолиб кетадилар. Дори воситаларни бундай назоратсиз қабул қилиш оқибатида беморларда ноўя таъсирлардан ошқозон ичак трактида эрозиялар, яралар, қон кетиш ҳоллари кузатилиши мумкин<sup>3</sup>.

Дунёда НЯҚВ билан даволашнинг асоратлари билан боғлиқ касалхонага ётқизиш ва ўлимлар сонининг йиллик ўсиши қайд этилган бўлиб, уларни даволашда иқтисодий харажатлар ҳам ортиб бормоқда. Дори воситалар таъсири натижасида ошқозон ичак трактида эрозиялар, яралар, қон кетиш ҳоллари билан даволанганларнинг 60% игача НЯҚВларни мунтазам равишда қабул қилган беморлар улушига тўғри келади. Муаммонинг тиббий ва ижтимоий аҳамияти шундан иборатки, ревматологлар кўпинча НЯҚВ гастропатиясини «иккинчи ревматик касаллик» деб аташади. НЯҚВлар ревматик касалликлар (РК) комплекс терапиясининг муҳим таркибий қисмидир, ревматоид артритли беморларнинг камида 68,5% доимий равишда НЯҚВларни қабул қиладилар. Шу сабабли, касалликнинг тиббий ва ижтимоий аҳамияти нафақат кенг тарқалганлиги, балки касалликнинг тез ногиронликка олиб келиши хавфи юқорилиги туфайли иқтисодий зарар билан белгиланадиган тиббиётдаги ечими топилиши зарур бўлган жиддий муаммо ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган тадбирлар натижасида, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ревматоид артритли беморларда гастропатияни эрта ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш, уларнинг келиб чиқишини олдини олишга қаратилган самарали тадбирлар ўтқазилмоқда. Ҳозирда бутун дунёда гастропатия хавфини шакллантиришга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш, гастропатия хавфи юқори бўлган шахсларни аниқлаш, профилактик чораларни кўриш ва самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 60-сонли фармони «2022— 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21

<sup>1</sup> World Health Organization (WHO), Geneva, 2023

<sup>2</sup> American College of Rheumatology (ACR), 2024

<sup>3</sup> American College of Gastroenterology (ACG), 2024

сентябр ПҚ-5124 – сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3071-сон қарорида касалликларнинг ва кўпчилик ҳолларда бевақт ўлим ва ногиронликка олиб келадиган ҳолатларнинг олдини олиш ва уларни даволаш натижаларини яхшилаш орқали кутилаётган умр кўриш даврини ошириш ва қайд этилган йўналишидаги фаолиятга тааллуқли республиканинг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** РА одамлар орасида энг кенг тарқалган ва оғир сурункали касалликлардан биридир. Олиб борилган илмий маълумотларга кўра, ревматоид артритда ошқозон-ичак трактининг зарарланиши 13-62% гача учрайди ва бу касалликнинг бўғим шакллари орасида муҳим ўринни эгаллайди (Smolen J.S. et al., 2017). Кўпинча, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакда кўплаб эрозиялар ва яралар мавжуд бўлганда, НЯҚВ гастропатиялари симптомсиз кечади, бу эса қон кетиш ва тешилиш каби жиддий асоратлар хавфини оширади, кўпинча ўлимга олиб келиши мумкин. Аксинча, аниқ клиник белгилари бўлган беморларда эндоскопик текширув пайтида шиллик қаватдаги минимал ўзгаришлар аниқланади (Foong W.D., Mark E.M. et al., 2021; Xuan Zh., Dongya Zh., 2021). Ошқозон ҳолати, хусусан, НЯҚВ билан даволанган одамларда шиллик қаватдаги морфологик ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар фрагментлар шаклида бўлиб, улар етарли даражада ўрганилмаган.

РА нинг ремиссияси ва қайталанишсиз кечишига эришиш, шунингдек, орқага қайтмас бўғимларда деформациялар ривожланишининг олдини олиш учун беморлар доимий равишда асосий дориларни қабул қилишга мажбур бўладилар: купренил, крисанол, далагил, метотрексат ва бошқалар (Насонов Е.Л., 2017). Фармакотерапиянинг нораціонал қўлланилишининг оқибатлари ошқозоннинг морфологик кўринишига ва унинг ишлашига ўз салбий таъсирини кўрсатади. Бундай ҳолда, асоратларни даволашга жарроҳлик аралашуви талаб қилинади (Калинин А.В., 2019).

Ўзбекистонда ҳам ушбу йўналишда бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Мавлянов И.Р., Каримов М.Ш., Тухтаева Н.Х., Пулатова Д.Б. ва бошқа олимларимиз томонидан ревматоид артрит касаллиги ва ошқозон-ичак тизимининг зарарланишига оид қатор изланишлар олиб борилмоқда. Сўнгги илмий тадқиқотлар маълумотларига кўра, НЯҚВни мунтазам равишда қабул қиладиган, ошқозон-ичак йўллари юқори қисми эрозия ва ярали ўчоқлари мавжуд беморларнинг 20-40% қайд этилган. НЯҚВларни узоқ вақт давомида қабул қилиб юрадиган РА беморлар учун гастроэнтерологик муаммолар туфайли стационарга ётқизиш ёки улардаги

ўлим хавфи йилига 1,3-1,6% ташкил қилади (Пулатова Д.Б., Усманова Ш.Э., Якубов А.В., 2023).

Юқорида баён қилинганларни ҳисобга олиб, республика шароитида ревматоид артритли беморларда гастропатия келиб чиқишига сабаб бўладиган хавф омилларини баҳолаш ва уларга қарши курашиш, хавф даражаси ҳамда гастропатияни олдини олишни прогнозлашни оптималлаштириш замонавий терапиянинг долзарб муаммоси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (01.2025 PhD.217) «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш, ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш (2022–2026 йй.)» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ревматоид артритли беморларда ошқозон шикастланишининг клиник-морфологик кўринишлари ва хавф омилларини эрта аниқлаш ва профилактик усулларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ревматоид артритли беморларда ошқозон шикастланишига сабаб бўладиган хавф омиллари тарқалиш хусусиятларини аниқлаш;

ревматоид артритли беморларда овқат ҳазм қилиш аъзолари функционал ҳолатига боғлиқ равишда клиник-лаборатор ва инструментал кўрсаткичларни баҳолаш;

тажрибада ревматоидли артрит натижасида ошқозондаги морфологик ўзгаришларни аниқлаш;

ревматоидли артрит моделлаштирилган экспериментал ҳайвонларни даволашда яллиғланишга қарши ностероид дори воситалари таъсири натижасида ошқозондаги морфологик ўзгаришларни баҳолаш;

ревматоид артритли беморларда гастропатия бирламчи профилактикаси бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЁИМ) Бухоро филиалида 2018-2021 йилларда НЯҚВ сабабли ошқозондан қон кетиш билан мурожаат қилган 251 нафар беморлар (ретроспектив), Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ревмотология бўлимида 2022 йилда ревматоидли артрит касаллиги билан стационар даволанган ва 2024 йилгача назоратга олинган 104 нафар (74 нафар асосий гуруҳ, 30 нафар назорат гуруҳи) беморлар (проспектив) танлаб олинган. Тажрибада ревматоидли артритни моделлаштириш ва ошқозондаги морфологик ўзгаришларни ўрганиш мақсадида 12 ойдан 26 ойликгача бўлган 80 та оқ зотсиз каламушлар танлаб олинган.

**Тадқиқот предмети** сифатида тадқиқот картаси, периферик қон, умумий ва биокимёвий таҳлиллар, ошқозон-ичак тизимининг функционал ва инструментал тадқиқотлари натижалари, оқ зотсиз каламушлар ошқозонидан олинган гистологик материаллар хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий тадқиқотни бажариш давомида клиник, лаборатор, инструментал, экспериментал, морфологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ревматоид артритли беморларда ошқозон шикастланишидаги клиник-морфологик ўзгаришларга сабаб бўлувчи хавф омиллари, яллиғланиш фаоллиги (DAS28), даволашда қўлланилаётган препаратлар (айниқса, НЯҚД), ҳамда қон биомаркерлари (СРО, ЭЧТ, РФ, АЦЦП) даражалари билан бевосита корреляцион боғлиқ эканлиги комплекс клиник-морфологик тадқиқот асосида тасдиқланган;

ревматоидли артрит моделлаштирилган экспериментал ҳайвонларда ошқозон тўқимасида нейтрофилли яллиғланишга хос морфологик ўзгаришлар, яъни ошқозоннинг барча қаватларидаги қон томирларида ўткир васкулитлар, артериал ва веноз капиллярлар бўшлиғида тўлақонлик, сохта стазлар, плазморрагиялар пайдо бўлганлиги, ошқозондаги без хужайраларни гипертрофияланганлиги ва атроф тўқималарида шиш пайдо бўлганлиги, шиллиқ ости қаватидаги бириктирувчи тўқиманинг қалинлашуви, оқсилли-дистрофик жараёнлар билан бир қаторда хужайралар васкулизацияси, мукоид ва фибриноидли бўкиш, майда ўчоқли юзаки яралар пайдо бўлганлиги асосланган;

ревматоидли артрит моделлаштирилган экспериментал ҳайвонларда даволашда қўлланилган НЯҚВларининг ошқозон хужайраларига ноўя таъсири, яъни фовеоляр хужайраларнинг ўчоқли атрофияси, уларнинг парчаланиб емирилиши ҳамда десквамациясига олиб келиши, ўчоқли лимфо-лейкоцитар яллиғланиш инфильтратларининг кўпайиб бориши, шиллиқ қаватнинг мускул пластинкасида лимфо-лейкоцитар яллиғланиш ва шишлар, шиллиқ қаватнинг хусусий пластинкасидаги безларини атрофияси ва жараённинг янада тезлашиб ошқозон оғир асоратларидан перитонитгача олиб келиши исботланган;

ревматоид артритли беморларда ошқозон шикастланишини эрта аниқлаш ва профилактика қилиш мақсадида фиброгастроскопик текширувларни стандарт текширув алгоритмига киритиш, шунингдек, гастропротектор терапиясини жинс, ёш ва даволаш схемасига қараб индивидуал равишда эрта тайинлаш зарурлиги илмий асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ревматоидли артрит бўлган беморларда хавф омилларини эрта аниқлаш чора-тадбирлари, гастропатия келиб чиқиши, ривожланиши ва асоратлари профилактикаси такомиллаштирилган;

гастропатия ривожланишининг эрта прогностик мезонлари ревматоид артритли беморлар учун ишлаб чиқилган;

ревматоид артритли беморларда ошқозон шиллиқ қавати шикастланишига сабаб бўлувчи хавф омиллари ва прогностик мезонларини ҳисобга олган ҳолда индивидуаллаштирилган гастропатия хавфини эрта аниқлашга қаратилган алгоритм ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Қўлланилган ёндашув ва

усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилганларнинг сони етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ревматоид артрит билан беморларда гастропатияга олиб келувчи хавф омиллари ва нохуш прогноз кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик механизмлари ўрганилди. Бу хавф омилларини камайтириш мақсадида прогностик мезонларни ишлаб чиқиш, ошқозон зарарланиши ва асоратларнинг олдини олиш бўйича назарий ва амалий билимларни такомиллаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, ревматоид артритли беморларда гастропатияга олиб келувчи ўзгармайдиган ва ўзгарувчан хавф омилларини эрта аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек гастропатия хавфини камайтиришга қаратилган прогностик дастурларни ишлаб чиқишда намоён бўлади. Бу, ўз навбатида, гастропатияни эрта ташҳислаш, асоратларни олдини олиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ревматоид артритли беморларда гастропатияни эрта аниқлашнинг тиббий – ижтимоий жиҳатларини ўрганиш ва прогнозлашда янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ревматоид артритли беморларда ошқозон шикастланишининг клиник-морфологик кўринишлари ва хавф омилларини ўрганиш усулини аниқлаш» (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2024 йил 13 майдаги №24-м/094-сон маълумотномаси) ва «Тажрибада ревматоид артрит билан касалланган ошқозондаги морфологик ўзгаришларни аниқлаш усуллари» (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2024 йил 13 майдаги №24-м/095-сон маълумотномаси) мавзуларида услубий тавсияномалар тасдиқланган.

Ревматоидли артритда ошқозон шикастланишининг клиник ва морфологик хусусиятларини ўрганиш, хавф омилларини баҳолаш ҳамда олдини олиш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси бўйича (09.08.2024 й.; №122) буйруқ, Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича (13.08.2024 й.; №123-І/СН) буйруқ, Бухоро вилояти Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича (1360-2-208-ТВ/2024) буйруқлар билан клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 13 январдаги 11/49 сонли хулосаси) бўлиб:

**Биринчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** ревматоид артритли беморларда ошқозон шикастланишидаги клиник-морфологик ўзгаришларга сабаб бўлувчи хавф омилларини эрта аниқлаш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган гастропатия касаллиги прогноз қилинган ва уларнинг

асорати олдини олинган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ревматоид артрит билан касалланган беморларда гастропатия келиб чиқишига олиб келувчи хавф омилларини эндоскоп ёрдамида эрта аниқлаш орқали ошқозон касалликлари олди олинган ва шу ҳисобдан ҳар бир бемор учун бюджет маблағлари ҳисобидан 311400 сўмни ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 540400 сўмни ташкил этган. **Хулоса:** Ревматоидли артрит билан касалланган беморларда гастропатия хавф омилларини эрта аниқлаш, ривожланиши мумкин бўлган ошқозон касалликларни олдини олиш ҳар бир нафар бемордан 851800 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

**Иккинчи илмий янгиликнинг ижтисодий самарадорлиги:** ревматоидли артрит моделлаштирилган экспериментал ҳайвонларда ошқозон хужайралари тузилишидаги морфологик ўзгаришларни ва даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг ноҳўя таъсиридан келиб чиқиши мумкин бўлган ошқозон зарарланиши ва унинг асоратларини олди олинган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** РАда гастропатияни олдини олиш натижасида ошқозонни ФГДС қилиш, ҳамда барий ёрдамида ва бошқа қўшимча текшириш усулларини қўллашда сарфланадиган маблағни тежаш ҳисобидан бир йилда ҳар бир бемор учун бюджет маблағлари ўртача 336000 сўм, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 376000 сўм иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** Ревматоидли артрит билан беморларда аниқ ташхис қўйишга сарфланадиган маблағни тежаб қолиш ҳисобига 712000 сўм иқтисодий самарадорликка эришилган.

**Учинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** ревматоидли артрит моделлаштирилган экспериментал ҳайвонларда НЯҚВлар билан даволашда ушбу дори воситаларининг ошқозон хужайраларига таъсирини ўрганиш натижасида келиб чиқадиган асоратларни олди олинган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** РАда гастропатияни олдини олиш натижасида ошқозон зарарланишини лаборатор ва инструментал текшириш усулларига сарфланадиган маблағни тежаш ҳисобидан бир йилда ҳар бир бемор учун бюджет маблағлари ҳисобидан ўртача 375000 сўм, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 396000 сўм иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** ревматоидли артрит билан беморларда хавф омилларини эрта аниқлаш, асоратлар ва ногиронликни олдини олиш ҳисобига 771000 сўм иқтисодий самарадорликка эришилган.

**Тўртинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** таклиф этилган мобил дастурлар, алгоритмлар ва комплекс ёндашувлардан фойдаланилган ҳолда ревматоидли артрит билан беморларда гастропатия хавфни эрта ташхислаш ва даволаш сифати яхшиланган, ноҳуш оқибатларни прогноз қилиш ҳамда касалликнинг кечиши ва асоратларини олдини олиш ва яшаш сифатини яхшилашга эришилган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ишлаб чиқилган мобил дастурлардан фойдаланилганда кўп харажатли ва кўп вақт талаб қилувчи бошқа текширув усулларини қўллаш зарурати йўқлиги ҳисобига сарф харажатларни 24,5 % камайтириш имконини берган ва самарадорликни 78,7 % га оширган. **Хулоса:** ревматоидли артрит касаллигидаги гастропатияни эрта ташхислаш ва хавфни прогнозлашда ушбу мобил дастурларни қўллаш ҳар 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини

158000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 192000 сўмга иктисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Олиб борилган тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ҳамда 2 таси хорижий, шундан 1 таси SCOPUS тасарруфидаги журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 133 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмда тадқиқотнинг долзарблиги, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқ белгиланган. Унинг республика илм-фан ва технологиялари ривожланиш йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти кўрсатилган. Натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни жорий этиш имкониятлари, нашрлар ва диссертация таркиби ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи. Ревматоид артритли беморларда ошқозон шикастланишида ностероид яллиғланишга қарши дориларнинг ўрни**» деб номланган биринчи бобида, мавзу бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар таҳлили ёритилган. Олти қисмдан иборат бу бобда ревматоид артритнинг тиббий-ижтимоий аҳамияти, муаммонинг долзарблиги, хавф омиллари, НЯҚВ таъсир механизми, гастропатия ва диспепсия ривожланиш сабаблари ҳамда уларни олдини олиш усуллари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари тавсифи, тадқиқот усуллари, лаборатор ва инструментал, морфологик текшириш усуллари ҳамда натижаларини баҳолашда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

Тадқиқот материаллари ва усуллари ишлаб чиқишда куйидаги босқичлардан фойдаланилган:

I- босқич: Ретроспектив - илмий тадқиқот ишлари Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЎИМ) Бухоро филиалида 2018 - 2021 йиллар мобайнида 2-жарроҳлик бўлимида ошқозон-ичак трактдан қон кетиш асоратлари билан мурожаат қилган 251 нафар беморларнинг касаллик тарихлари таҳлил қилинган.

II- босқич: Проспектив - Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ревматология бўлимида 2022 йилда ревматоидли артрит касаллиги билан даволанган 104 нафар беморлар танлаб олинган.

III- босқич: Морфологик-тажрибада ревматоидли артритни моделлаштириш мақсадида 12 ойдан 26 ойликкача бўлган 80 та оқ зотсиз

каламушлар танлаб олинган ва гистологик, морфологик текшириш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш шахсий компьютерда Microsoft Excel 2019 (Microsoft, США) дастури асосида яратилган маълумотлар базаси ёрдамида олиб борилган ва статистик таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «Хусусий текширувлар натижалари. Ревматоид артритли беморларда ошқозон патологияси ривожланишида хавф омилларининг тарқалиш хусусиятлари» деб номланган учинчи бобда ошқозон патологияси ривожланишида хавф омиллари таҳлили, ревматоид артритли беморларда ошқозон морфофункционал ҳолати таҳлили, ревматоидли артрит билан касалланган беморларда ошқозон шикастланиши хавфини эрта аниқлаш жараёнларининг таҳлили келтирилган.

Ретроспектив таҳлиллар натижасига кўра, РШТЁИМ Бухоро филиалига ошқозон-ичак тракти патологияси ва қон кетиш асоратлари билан муурожаат қилган 251 беморнинг 58,2%ида ревматик касалликлар, шундан 30,3%ида ревматоид артрит аниқланган. Илмий тадқиқот доирасида Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ревматология бўлимида ревматоид артритли беморларда ошқозон-ичак трактидаги клиник-морфологик ўзгаришлар ва хавф омиллари ўрганиш мақсад қилинган.

Проспектив тадқиқот доирасида Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ревматология бўлимида 104 нафар ревматоид артритли бемор таҳлил қилинди. Уларнинг 74 нафарида (71,2%) гастропатия белгилари аниқланиб, асосий гуруҳга киритилди. Қолган 30 нафар беморда (28,8%) гастропатия белгилари кузатилмаган бўлиб, назорат гуруҳи сифатида танлаб олинди ва махсус текширувлар ўтказилди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Ревматоид артритли беморларнинг клиник хусусиятлари

<i>Касалликнинг асосий хусусиятлари</i>	<i>Асосий гуруҳ (n=74)</i>	<i>Назорат гуруҳи (n=30)</i>
РА давомийлиги, n(%)		
1 йилгача	3 (4,1%)	2 (6,6%)
1 йилдан 5 йилгача	6 (8,1%)	9 (30%)
5 йилдан 10 йилгача	17 (22,9%)	14 (46,7%)
10 йилдан ортиқ	48 (64,9%)*	5 (16,7%)
Серопозитив РА	43 (58,1%)	22 (73,3%)
Серонегатив РА	31 (41,9%)*	8 (26,7%)
ЭЧТ (мм/с) (M±SD)	26,55±14,42	29,14±11,26
ВАШ шкаласи бўйича оғрик даражаси(M±SD)	6,94±3,88	7,1±2,29
DAS-28 индекси бўйича касаллик фаоллик даражаси(M±SD)	4,89±0,81	4,16±1,02
АЦЦП мусбат	62 (83,8%)*	23(76,7%)
<b>РА терапияси</b>		
НЯҚВ	74 (100%)	30 (100%)
ГКС	24 (32,4%)*	4 (13,3%)
БЯҚВ	52 (70,3%)*	9 (30%)

**Изоҳ:** \*-назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (\*-p<0,05; \*\*- p<0,01; \*\*\*-p<0,001)

Таҳлилларга кўра, асосий гуруҳдаги 74 беморнинг 58 нафари (78,4%) аёллар бўлиб, ўртача ёшлари  $51,9 \pm 11,6$ ; 16 нафари (21,6%) эса эркаклар бўлиб ўртача ёшлари  $55,2 \pm 10,8$  ни ташкил этган. Назорат гуруҳидаги 30 беморнинг эса 17 нафари (56,7%) аёллар, ўртача ёши  $42,3 \pm 9,2$  ва 13 нафари (43,3%) эркаклар ўртача ёши  $44,2 \pm 12,8$  эканлиги қайд этилди. РАли беморларда хавф омиллари таҳлил қилинганда, НЯҚВ полипрогмазияси барча бошқа хавф омилларидан устун эканлигини кўриш мумкин. Хавф омиллари ёшга нисбатан ўрганилганда эса стресс ҳолатлари 18-44 ва 45-59 ёшлиларда юқори кўрсаткичда бўлса, алкоголь ва чекиш 45-59 ёшли беморлар гуруҳида кенг тарқалганлиги кузатилган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ревматоидли артритли беморларда хавф омилларининг ёшга нисбатан учраши

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=74)				Назорат гуруҳи (n=30)
	18-44 ёш (n=15)	45-59 ёш (n=39)	60-74 ёш (n=17)	75 ёшдан катталар (n=3)	18-59 ёш (n=30)
Ўртача ёши (M±SD)	37,1±6,12	53,02±7,10	65,4±4,67	75,3±1,15	42,6±10,17
Аёллар	13(86,7%)**	30(76,9%)*	12(70,6%)*	3(100%***)	17(56,7%)
Эркаклар	2(13,3%)	9(23,1%)	5(29,4%)	-	13(43,3%)
Ирсийлик	8(53,3)**	20(51,3%)**	1(5,9%)	-	5(16,7%)
Стресс	13(86,7%)*	31(79,5%)*	9(52,9%)	1(33,3%)	16(53,3%)
Алкоголь	-	5(12,8%)	-	-	6(20%)
Чекиш	-	6(15,4%)	4(23,5%)	-	11(36,7%)
НЯҚВ	15(100%)	39(100%)	17(100%)	3(100%)	30(100%)
ГКС	2(13,3%)	6(15,4%)	13(76,5%***)	3(100%***)	4(13,3%)
БЯҚВ	7(46,7%)	29(74,4%)**	15(88,2%)**	1(33,3%)	9 (30%)
(Helicobacter pylori) мусбат	2(13,3%)*	6(15,4%)*	5(29,4%)**	1(33,3%***)	1(3,3%)

**Изоҳ:** \*-назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқлиниши ишончли (\*- $p < 0,05$ ; \*\*- $p < 0,01$ ; \*\*\*- $p < 0,001$ )

Гастропатия белгилари таҳлил қилинганда, эпигастрал соҳада оғриқ 85,1%, кўнгил айнаши 56,8%, зарда қайнаши 83,8%, кекириш 75,7%, метеоризм 78,4% ва эпигастрал соҳада оғирлик ҳисси 25,7% беморларда кузатилган бўлса, бу кўрсаткичлар ёшга нисбатан таҳлил қилинганда 60-74 ва 75 дан катта ёшдаги беморларда устунлик қилган.

Беморлар ошқозонидаги морфофункционал ҳолатни ўрганиш ва баҳолаш мақсадида эндоскопик ва рентгенологик усуллардан фойдаланилган. Тадқиқотдаги 74 нафар бемордан 55(74,3%) нафарида ФГДС текшируви ўтказилиб, ошқозон-ичак тракти гастродуоденал зонасининг шиллик ости қаватидаги юзаки ва атрофик ўзгаришлари, қонталашлар, эрозия ва яралар аниқланган. Бунда антрал 19(34,5%), фундал 10(18,2%), пангастрит 8(14,5%), эрозия 11(20%), ошқозон ва 12.б.и. биргаликда келган яраси 7(12,7%) ва ошқозон яраси 2(3,6%) нафар беморларда аниқланган.

Беморларнинг 19(25,7%) нафари ФГДС текширувини хохламаганлиги

сабабли, уларда ошқозон ичак йўллари бари эритмаси ёрдамида рентгенскопик текшириш усулидан фойдаланилган. Рентгенологик текшириш натижаларига кўра, 19 нафар беморнинг 9 (47,4%) нафарида эрозия, 6 нафарида (31,6%) гастрит, 4 (21%) та яра касаллиги аниқланган.

Назорат гуруҳидаги беморларда бу кўрсаткичлар таҳлил қилинган 30 нафар беморнинг 19(63,3%) нафарида патологик ўзгаришлар аниқланган бўлиб, антрал 13(43,3%), фундал 2(6,7%), пангастрит 2(6,7%), эрозия 1(3,3%), ошқозон ва 12.б.и. ярасини биргаликда келиши 1(3,3%) беморларда аниқланган.

Асосий ва назорат гуруҳидаги гастропатия кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, эрозиялар асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан 7,8 марта ортиқ кузатилган бўлса, ошқозон яраси 4,5 баравар кўп эканлиги намоён бўлган (1-расм).



**1-расм. Асосий ва назорат гуруҳида гастропатия кўрсаткичлари**

**Изоҳ:** \*-назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқлиниши ишончли (\*- $p < 0,05$ ; \*\*- $p < 0,01$ ; \*\*\*- $p < 0,001$ )

Тадқиқотда эндоскопик текширишлар натижасида олинган ошқозондаги морфологик ўзгаришлар ва хавф омилларининг тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлиги аниқланган ( $r=0,72$ ). Бунда хавф омиллари 3 та ва ундан ортиқ мавжуд бўлган беморларнинг 70,9 % да, 2 та хавф омилли беморларнинг 29,1% да ошқозон шиллик қаватида морфологик ўзгаришлар яққол намоён бўлган бўлса, 1та хавф омили мавжуд беморларда эса ошқозон шиллик қаватида морфологик ўзгаришлар кузатилмаган. Шу билан биргаликда, ревматоид артритли беморларда касаллик фаоллик даражаси ФГДС даги ўзгаришлар билан тўғри корреляцияга эга бўлиб ( $r=0,68$ ), касаллик фаоллик даражаси юқори бўлган беморларнинг аксариятида ошқозон ва 12 б.и.яраси кузатилган. Бу белгилар ревматоидли артрит юқори фаоллик даражаси ва НЯҚВ ларнинг кенг қўлланилиши натижаси эканлиги маълум бўлган. Назорат гуруҳидаги беморлар гуруҳи таҳлиliga кўра эса, паст фаоллик даражаси мавжуд бўлган беморларда ФГДС кўрсаткичларига кўра патологик ўзгаришлар аниқланмаган.


Ревматоид артрит II фаоллик даражаси мавжуд бўлган беморларнинг 34,5% да, III фаоллик даражаси мавжуд бўлган беморларнинг эса 65,5% да ФГДСда гастропатия белгилари кузатилиб, бу кўрсаткич назорат гуруҳидаги беморлардан 4,1 баробар ортиқ эканлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Ревматоидли артрит моделлаштирилган экспериментал ҳайвонларда ошқозондаги морфологик ўзгаришларни баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобда тажрибада соғлом каламушлар ошқозонининг морфо-функционал хусусиятлари, тажрибада ревматоидли артрит билан зарарланган ошқозондаги морфологик ўзгаришларни аниқлаш, ревматоидли артрит моделлаштирилган экспериментал ҳайвонларни даволашда яллиғланишга қарши ностероид дори воситалари таъсири натижасида ошқозондаги морфологик ўзгаришлар баҳоланган.

Тадқиқотдаги барча лаборатория экспериментал ҳайвонлари уч гуруҳга ажратилган: **назорат гуруҳи** - лаборатория ҳайвонлари (n=20) стандарт виварий рацион билан боқилган, соғлом каламушлар; **биринчи гуруҳ** - лаборатория ҳайвонлари (n=30) стандарт виварий рацион билан боқилган, уларда тўлиқ Фрейд адьюванти (ТФА) билан ревматоид артрит касаллиги чақиртирилган; **иккинчи гуруҳ** - лаборатория ҳайвонлари (n=30) стандарт виварий рацион билан боқилган, касал каламушларга 14 кун давомида НЯҚВдан мелоксикам 1 мг/кг оғиз орқали кунига 1 мартадан қўлланилган.

Назорат гуруҳига мансуб, соғлом оқ зотсиз каламушлар ошқозонидан гистологик препаратлар тайёрланган ва микроскоп остида ўрганилган. Уларнинг барчасида сезиларли патоморфологик ўзгаришлар аниқланмаган.


Тажрибада ревматоидли артрит билан зарарланган ошқозондаги морфологик ўзгаришлар ўрганилганда ошқозоннинг барча қаватлари қон томирларида ўткир васкулитга хос ўзгаришлар яъни, артериал ва веноз капиллярлар бўшлиғида тўлақонлик, сохта стазлар, ошқозон деворида плазморрагиялар кузатилди (2-3-расмлар).



**2-расм. Тажриба шароитида ревматоид артрит чақиртирилган оқ зотсиз каламуш ошқозон тўқимасининг морфологик кўриниши. Бўёқ Г-Э. 10x20 об.** 1.Шиллик қават - Фовеолар хужайралар гиперплазияси. 2.Шиллик қаватнинг хусусий пластинкасидаги безлар эпителийсининг кичрайиши. 3.Шиллик қаватнинг хусусий пластинкасида оч микдордаги лимфоцитлар. 4.Шиллик ости қаватида (ўлчамларда) ги бириктирувчи тўқималар орасида кенг, бир хил текисликда тарқалган шиш ва коллаген толалар қалинлашган. 5.Мускул қавати (ўлчамларда)нинг оралик тўқимасида шиш ва мускул толалари қалинлашган.


Ўтказувчанликнинг ортиши натижасида периваскуляр соҳада кенг, нотартиб тарқалган шишлар, айниқса морфометрик ўлчовларда шиллик ости қаватдаги бириктирувчи тўқималар орасида кенг тарқалган шиш аниқланди.

Шиллик ости қаватидаги бириктирувчи тўқиманинг нотартиб йўналиши, қалинлашуви ҳамда оқсилли-дистрофик ўзгариш (мукоид ва фибриноидли бўқиш)га олиб келди.



**3-расм. Тажриба шароитида ревматоид артрит чақиртирилган оқ зотсиз каламуш ошқозон тўқимасининг морфологик кўриниши. Бўёқ Ван- Гизон. 4x20 об.** 1.Шиллик қават-Фовеоляр хужайралар гиперплазияси. 2.Шиллик қаватнинг хусусий пластинкасидаги безлар эпителийсининг кичрайиши. 3.Шиллик қаватнинг хусусий пластинкасида оч миқдордаги лимфоцитлар. 4.Қон-томир девори қалинлашган, бўшлиғи кенгайган, фибриноидли бўқишга хос ўзгаришлар. 5.Шиллик ости қаватида (ўлчамларда) ги бириктирувчи тўқималар орасида кенг, бир хил текисликда тарқалган шиш ва коллаген толалар қалинлашган. 6.Мускул қавати (ўлчамларда)нинг оралик тўқимасида шиш ва мускул толалари қалинлашган.

Ностероид яллиғланишга қарши дори воситаларини қўллашнинг биринчи кунларида ошқозон шиллик қаватида маҳаллий токсик таъсир ривожланди (4-расм).



**4-расм. Тажриба шароитида ревматоид артрит чақиртирилган оқ зотсиз каламуш ошқозон тўқимасининг даволашдан кейинги морфологик кўриниши. Бўёқ Ван-Гизон. 4x20 об.** 1.Фовеоляр хужайралар гиперплазияси. 2.Шиллик қаватнинг хусусий пластинкасидаги безлар гиперсекрецияси. 3.Шиллик қаватнинг хусусий пластинкаси гипертрофияси ва яллиғланиш инфильтрати. 4.Шиллик ости қаватидаги бириктирувчи тўқималар орасида кенг тарқалган шиш (ўлчамларда)ва нотартиб қалинлашуви. 5.Шиллик ости қаватидаги қон томирларнинг кенгайиши(ўлчамларда) ва тўлақонлик, деворида фибриноидли бўқиш. 6.Мускул қаватининг мускул толалари оралиғида шиш (ўлчамларда), мускул толалар атрофияси.

Меъда шираси кислотали муҳит таъсири остида ўз шиллик қаватининг емирилишига сабаб бўлиб, жараённинг оғирлашувига, некротик гастритлар, эрозиялар ва яралар ривожланишига олиб келди. Безлар эпителийсининг атрофияси эса яллиғланиш кучайишига, ошқозоннинг қолган қаватларига ҳам таъсир кўрсатиб, шиллик қаватнинг хусусий пластинкаси бириктирувчи толаларнинг гипертрофияси ва лимфо-лейкоцитар инфильтратининг кенг тарқалишига, шиллик ости қаватидаги бириктирувчи тўқималар орасида кенг тарқалган шиш (ўлчамларда) ва бириктирувчи тўқиманинг нотартиб қалинлашувига олиб келди. Мускул қавати (ўлчамларда)нинг мускул толалари оралиғида шиш ва яллиғланиш инфильтратини кенг тарқалиши ошқозоннинг морфо-функционал фаолиятига жиддий таъсир кўрсатиб, оғир асоратлар юзага келишига сабаб бўлди.

Ревматоид артрит билан касалланган беморларда ошқозон шикастланиши хавфини эрта аниқлаш мақсадида «Ревматоид артритда гастропатиясининг оғирлик даражасини аниқлаш учун дастур» (№ DGU 30553 рақамли гувоҳнома, 2023 йил 30 ноябрдан) прогностик электрон мобил дастур яратилган. Ушбу дастурдан даволаш профилактик муассасаларида, бирламчи бўғинларда ҳам фойдаланиш учун қулай бўлган РА беморларни НЯҚВ билан даволангандан кейинги гастропатияни эрта аниқлаш, ташҳис қўйиш ва касаллик асоратларини олдини олишда хизмат қилади. Яратилган мобил дастурлар ревматоид артритни клиник кўринишларига асосланган ҳолда эрта ташҳислаш, диспансер назоратига олиш, комплекс текшириш ва беморларда ошқозон касалликлари ривожланиш хавфини олдини олиш, беморлар орасида ўлим ва ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш ва ҳаёт сифатини ошириш имконини беради.

## ХУЛОСАЛАР

«Ревматоидли артритда ошқозон шикастланишининг клиник- морфологик кўринишлари ва хавф омилларининг ўрни» мавзусидаги диссертацияси устида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра қуйидаги хулосалар келтирилган:

1. Ревматоид артрит билан касалланган беморларда ошқозон шикастланиши хавф омиллари таҳлили натижаларига кўра, НЯҚВ полипрогмазияси етакчи ўринни яъни, 85,1%ни ташкил этади, чекиш 13,5%, стресс ҳолатлари 73%, алкоголь ичимликлари истеъмол қилиш 6,8%, НЯҚВ +антикоагулянтлар 58,1%, ГКСларни қабул қилиш 32,4%, БЯҚВни қабул қилиш 70,3% ва *Helicobacter pylori*нинг мусбат натижаси 19% ҳолларда учраши кузатилди;

2. Ревматоид артритли беморларда гастропатия белгилари таҳлил қилинганда, эпигастрал соҳада оғриқ 85,1% ва зарда қайнаши 83,8% энг кўп учраган бўлиб, кўнгил айниши 56,8%, кекириш 75,7%, метеоризм 78,4% ва эпигастрал соҳада оғирлик ҳисси 25,7% беморларда кузатилган бўлса, бу кўрсаткичлар ёшга нисбатан таҳлил қилинганда 60-74 ва 75 дан катта ёшдаги беморларда устунлик қилди. Эндоскопик текшириш 55 (74,3%) нафар беморда ўтказилган бўлиб, антрал 19 (34,5%), фундал 10 (18,2%), пангастрит 8 (14,5%), эрозия 11 (20%), ошқозон ва 12.б.и. яраси 7 (12,7%) ва ошқозон яраси мавжуд бўлган беморларнинг 2 (3,6%) нафарида қонталашлар аниқланди.

Рентгенологик текширув ўтказилган 19 (25,7%) нафар беморнинг 9 (47,4%) нафарида эрозия, 6 нафарида (31,6%) гастрит, 4 (21%) та яра касаллиги аниқланди;

3. Тажрибада ревматоидли артритда ошқозоннинг барча қаватларидаги қон томирларида ўткир васкулитга хос ўзгаришлар яъни, артериал ва веноз капиллярлар бўшлиғида тўлақонлик, сохта стазлар, деворида плазморрагиянинг ривожланганлиги, ўтказувчанликнинг ортиши натижасида периваскуляр соҳада кенг, нотартиб тарқалган шиш, айниқса шиллик ости қаватидаги бириктирувчи тўқималар орасида кенг тарқалган шиш пайдо бўлганлиги аниқланди;

4. Ревматоидли артрит моделлаштирилган экспериментал ҳайвонларни даволашда НЯҚВ қўлланилганда ошқозон қон-томирлардаги патологик жараён таъсири ортиб борди ва шиллик ости қаватидаги бириктирувчи тўқималар орасида шишни (80,4%) кенг тарқалишига ва бириктирувчи тўқиманинг нотартиб қалинлашувига ҳамда мускул қаватининг мускул толалари оралиғида шишни кенгайишига, оралик тўқимадаги бириктирувчи толаларнинг нотартиб қалинлашуви, мускул толаларнинг қисқариб торайишига олиб келди;

5. Ревматоидли артрит моделлаштирилган экспериментал ҳайвонларга 14 кун давомида НЯҚВ бериб даволанганда гуруҳ лаборатория ҳайвонларининг ошқозон тўқимасида ўткир эрозив гастрит ва яллиғланиш жараёнларининг ҳамда (87,8%, n=26), оралик тўқимадаги шиш жараёнларининг ҳам кўпайганлиги (73,6%, n=20), юза қават дефекти ҳам пайдо бўлганлиги (48,9%, n=16) маълум бўлди;

6. РА гастропатияси бор беморларда соғлиқни сақлашни бирламчи бўғинида ишлаб чиқилган диагностик ва прогностик мобил дастурлардан фойдаланиб, касалликни эрта ташхислаш, хавф омиллари ва ошқозон-ичак касалликларини прогнозлаш ўз навбатида беморларда профилактика босқичлари, даволаш ва реабилитацияни мақсадли амалга ошириш имконини яратади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ БУХАРСКИЙ**  

---

**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ ИМЕНИ АБУ  
АЛИ ИБН СИНО**

**ДЖАББАРОВА МИЯССАР БАБАКУЛОВНА**

**КЛИНИКО-МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОЯВЛЕНИЯ И  
РОЛЬ ФАКТОРОВ РИСКА ПОВРЕЖДЕНИЯ ЖЕЛУДКА  
ПРИ РЕВМАТОИДНОМ АРТРИТЕ**

**14.00.05 – Внутренние болезни  
14.00.02 –Морфология**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам**

**Бухара – 2025**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инновации Республики Узбекистан за номером B2023.4. PhD/Tib4059**

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбек, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) и информационно-образовательном «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz))

**Научные руководители:**

**Саидова Мухаббат Мухидиновна**

доктор философии по медицинским наукам, доцент

**Тешаев Шухрат Жумаевич**

доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Жарилкасинова Гаухар Жанузаковна**

доктор медицинских наук, профессор

**Орипов Фирдавс Суратович**

доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:**

Кубанский государственный медицинский университет,  
Российская Федерация

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.04/.30.04.2022.Tib.93.02 по присуждению ученых степеней при Бухарском государственном медицинском институте. (Адрес: 200118, г.Бухара, улица Гиждуван, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за №\_\_\_\_\_). (Адрес: 200118, г. Бухара, ул. Гиждуванская, 23. Тел/факс: +99865 223-00-50, Web sayt: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), E-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года (реестр протокола рассылки №\_\_\_\_\_ от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года).

**Д.Т. Ходжиева**

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Н.Ш.Ахмедова**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Г.А.Ихтиярова**

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Согласно данным Всемирной организации здравоохранения за 2023 год, 60% населения мира страдает гастритом. Частота морфологических изменений слизистой оболочки желудка – 80% среди взрослой популяции. Страдают (более или менее выраженными симптомами) около 40% взрослого населения, но только 5% с жалобами обращаются к врачам<sup>1</sup>. Ревматоидный артрит (РА) относится к заболеваниям с хроническим течением, требующим длительной терапии и порождающим лекарственную патологию желудочно-кишечного тракта<sup>2</sup>. Число людей, принимающих нестероидные противовоспалительные препараты (НПВП) в течение года, превышает 300 миллионов, только 2/3 из них принимают препараты под врачебным контролем, а остальные остаются без контроля. В результате такого неконтролируемого приема лекарственных средств у пациентов могут наблюдаться эрозии, язвы, кровотечения в желудочно-кишечном тракте из-за побочных эффектов<sup>3</sup>.

В мире отмечается ежегодное увеличение количества госпитализаций и смертности, связанных с лечением НПВП, а также экономические затраты на их лечение. Сообщается о ежегодном росте числа госпитализаций и смертей, связанных с осложнениями НПВП-терапии, возрастают экономические затраты на их лечение. Так, до 60% госпитализированных с желудочными кровотечениями указывают на предшествующий прием НПВП. Медико-социальная значимость проблемы такова, что ревматологи часто называют НПВП-гастропатию «второй ревматической болезнью». НПВП является важной составляющей комплексной терапии ревматических заболеваний (РЗ), не менее 68,5% пациентов с ревматоидным артритом регулярно принимают НПВП. По этой причине медицинская и социальная значимость заболевания является серьезной проблемой, требующей решения в медицине, определяемой экономическим запасом, не только из-за широкого распространения, но и из-за высокого риска быстро приводит болезнь к инвалидности.

В результате проведенных мероприятий по реформированию системы здравоохранения в нашей стране проводятся эффективные мероприятия, направленные на укрепление здоровья населения и повышение эффективности ранней диагностики и лечения гастропатии у больных ревматоидным артритом, предотвращение их возникновения. В настоящее время во всем мире проводятся исследования по изучению факторов, влияющих на формирование риска гастропатии, выявлению лиц с высоким риском гастропатии, увеличению и повышению эффективности профилактических мер.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Постановлением Президента Республики

---

<sup>1</sup> World Health Organization (WHO), Geneva, 2023

<sup>2</sup> American College of Rheumatology (ACR), 2024

<sup>3</sup> American College of Gastroenterology (ACG), 2024

Узбекистан от 21 сентября 2021 года № ПП-5124 «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения Республики Узбекистан», Постановлением № 3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», а также другими нормативно-правовыми актами республики, относящимися к данному направлению деятельности. Эта деятельность направлена на увеличение ожидаемой продолжительности жизни путем улучшения результатов профилактики и лечения заболеваний и состояний, часто приводящих к преждевременной смерти и инвалидности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Настоящее диссертационное исследование осуществлено в рамках VI приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан - «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** РА является одним из наиболее распространенных и тяжелых хронических заболеваний среди людей. Согласно научным данным, поражение желудочно-кишечного тракта при ревматоидном артрите встречается в 13-62% случаев и занимает важное место среди суставных форм заболевания (Smolen J.S. et al., 2017). Часто при наличии множественных эрозий и язв в желудке и двенадцатиперстной кишке НПВП гастропатии протекают бессимптомно, что повышает риск серьезных осложнений, таких как кровотечения и перфорация, нередко приводящих к летальному исходу. Напротив, у пациентов с явными клиническими признаками при эндоскопическом исследовании выявляются минимальные изменения слизистой оболочки (Foong W.D., Mark E.M. et al., 2021; Xuan Zh., Dongya Zh., 2021). Сведения о состоянии желудка, особенно морфологических изменениях слизистой оболочки у людей, получавших НПВП, представлены фрагментарно и недостаточно изучены на этапном уровне.

Для достижения ремиссии и безрецидивного течения РА, а также предотвращения развития необратимых деформаций суставов пациенты вынуждены постоянно принимать базисные препараты: купренил, кризанол, делагил, метотрексат и другие (Насонов Е.Л., 2017). Последствия нерационального применения фармакотерапии оказывают негативное влияние на морфологический вид и функционирование желудка. В таком случае требуется хирургическое вмешательство для лечения осложнений (Калинин А.В., 2019).

В Узбекистане также проведен ряд научных исследований в этом направлении. В частности, Мавлянов И.Р., Каримов М.Ш., Тухтаева Н.Х., Пулатова Д.Б. и другие ученые проводят ряд исследований по ревматоидному артриту и поражению желудочно-кишечного тракта. Согласно данным последних научных исследований, 20-40% пациентов с эрозией и язвенными поражениями в верхней части желудочно-кишечного тракта регулярно принимающих НПВС, были зарегистрированы. Для пациентов с РА, длительное время принимающих НПВС, риск госпитализации или смерти из-за гастроэнтерологических проблем составляет 1,3-1,6% в год (Пулатова Д.Б., Усманова Ш.Э., Якубов А.В., 2023).

Учитывая вышеизложенное, оценка факторов риска возникновения гастропатии у больных ревматоидным артритом в условиях республики и оптимизация борьбы с ними, прогнозирования уровня риска и профилактики гастропатии является актуальной проблемой современной терапии.

